



Куръони каримдаги энг катта сура «Бакара» сураси бўлиб, у 286 оятдан иборат. «Фотиха», «Бакара», «Оли-Имрон» дан кейин тартиб бўйича тўртинчи ўринда турган «Нисо» сураси ҳам хажм жиҳатидан катга суралар сирасига киради. Сурада оила, турмуш, аёлларнинг инсоний ҳуқуқлари муаммолари муолажа этилгани, бу муаммолар ниҳоятда эътиборли саналиб, суранинг биринчи оятидаёқ шу ҳақда фикр юритилгани боис у «Нисо» — «Аёллар» деб номланган.

«1. Эй одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Хавво)ни яратган камда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан кўркингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллохдан ва кариндошлар (алокасини узиш)дан кўркингиз. Албатта, Аллох сизларни кузатиб гурувчидир».

Аллох таоло жами одамзогга хитоб қилиб, уларнинг инсон эканликларини эслатмоқда. Чунки одам инсонлигини эслаш билан одам, йўкса у феъл-атворда хайвонот қадар, сайъи амалида шайтанат қадар тубанлашуви ҳеч гап эмас.

Одам шарифли одамга таквosi туфайли айланади. Шунинг учун хам инсонни камолот сари чорловчи комиллик таълимоти бўлгаи Куръон бани башарни кайта-кайта Аллохдан кўркишга, такволи бўлишта ундайди.

Муфассирларимиз ояти каримадаги нозик бир хик-матга эътиборни каратишган, яъни «сизларни бир жондан яраттан ва ундан жуфтини яратиб...» жумласида улкан хакикат мужассам бўлган, деб таъриф беришган.

Оятдан англанишича, Аллох таоло Эркак билан Аёлни улуг хикмат билан яратди. Инсон бўлиб яратилгани боис эркак учун ато этилган олий макомлар, барча им-тиёзлар аёлга хам тегишлидир. Пайдо бўлган ониданок аёл хукукда, дунёвий хаётдан бахрамандликда фазлу масъулиятда эркак билан тенг маком олди. Куръон аёлни эркак билан баб-баробар инсони шариф иоми билан улуглади, бир йўла икки зол а хам мурожаат килиб: «Йа аййуханнасу!» деб хитоб килди. Агар Аллох таоло аёл зотининг мартабасига пастрок белгилаганида эркак ва аёлни бир сифат остида жамламаган бўларди.

Ушбу суранинг учинчи ояти каримасида «...ўзингизга ёккан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никохлаб олинг», жумласи мавжуд. Бу оятдан исломда тўрттагача хотин олишга рухсат хукми кслиб чиккан. Бу хукмдан исломнинг мохиятии англамаганлар ёки атайдан уни бузиб талкин килишга интилганлар

— динимиз душманлари бутунлай хато хулосалар чикаришади. Ислом дини ахлокий, ижтимоий, хаётий хикматлар асосида Куръони каримнинг мазкур ояти оркали тўрттагача хотин олишга рухсат берди, лекин оят давомида: «Агар адолат кила олмасликдан кўрксангиз, биттани (олинг) ёки кўлингизда мулк бўлганлар билан (кифояланинг). Мана шу жабр килмаслигингизга якинрокдир», дейилди.

Агар биз масалага давр ва шароит нукгаи назаридан ёндашсак, рухсат маъносидаги бу куръоний хукм аслида хотин олишда чеклов сифатида вахий бўлгани очик кўринади.

Чунончи, Арабистонда исломгача бўлган жохилия даврида эркаклар ўнталаб, ўнбешталаб, хатто, ундан хам кўп аёлларга саноксиз уйланаверганлар, улар учун ҳеч кандай чеклов бўлмаган. Аёл ҳеч кандай инсоний хукукка эга бўлмаган. Ислом дини беҳад даражадаги кўпхотинликка чегара кўйиш маъносидаги бу хукмни чикарди.

Инсоний кадр-киммати, аёллик иззати, хукуклари хўрланган заифаларнинг жамиятдаги ўринларини баркарорлаиггириш, уларга бўлган хурмат-эътиборни конуи даражасига кўтариш максалида кўпхотинлик чегараси белгиланди. Шунда хам улар ўртасида одиллик килиш учун маънавий, моддий, жисмоний кувватга эга бўлмокликни — адолатни инкор этиб бўлмайдиган даражадаги кескин шарт ва илохий хукм кшшб кўйилди. Ахар эркакда адолатдск улуг сифат бўлмас экан, у «битгани олиш» билан чекланиши лозимлиги, шундагина аёлга жабр килиш гунохидан сакланиб колиши мумкинлиги уктирилди.

Инсоний фазилатларнинг, адолатнинг энг улуг даражадаги мужассам тимсоли, куръоний комил ахлоқ сохиби, икки олам сарвари Расулуллох (с.а.в) хам биринчи завжаи мухтарамалари Хадичаи Кубро (р.а.) тириклик вақтларида биргина аёл билан хаёт кечирганлар. Кейинчалик бир нечта аёлни никохларига олишлари илохий амр асосида бўлиб, ўзига хос сабаб ва хикмаглари бор. Аллохнинг расулидек буюк зот бир нечта завжалар билан яшаётган найтларида «Ўзимга боглик бўлмаган холатларда мени

кечиргин», деб тинмай Аллохдан афву магфират сўраганлар. Чунки Сарвари Олам мутлак адолатга эришиш башар учун мушкул иш эканини яхши англагашар. Пайгамбардек зот адолатсизликка йўл кўйиб, гуноҳга ботишдан кўрксалар... бошкаларга йўл бўлсин. Аммо мавзуимизга оид бўлмаганвдан бу масалаларга кўпроқ тўхталишни лозим топмадик.

Ислом Куръон хукми оркали кўпхотинликка таргиб килмади, аксинча кўпхотинликни чегаралади. Аёл шаънини поймол килмади, аксинча, аёлнинг инсо-ний хукуklarини тиклади, Куръон оятида мужассам бўлган илохий низом асосида эркак билан аёлнинг ижтимоий хукукини тенгланггирди. Натижада аёл ўзига берилган махр ва совгаларни волийлари эмас, ўзи мустакил, истаганича исгифода этшнга, мерос олишга хакли шахсга айланди. Исломдаги шахс эркинлиги факат эркакларга эмас, аёлларга ҳам баб-баробар адли илохий ила татбик этилган мукаддас конундир. Куръон ояти оркали нозил бўлган илохий хукм туфайли мусулмон аёлининг маънавий хак-хукуklари ва иктисодий таъминоти мухофазага олинди. Эркак ва аёлнинг хукукий жихатдан тенглиги эркаклар зиммасидаги жисмоний ва моддий таъминот вазифаларини адо этиш масъулиятини, аёллар зиммасидаги ўз хожасига итоаткорлик бурчини бекор килмайди, албатта. Куръоний хикматларга асосланган исломий таълимот аёлни инсоний хукук жихатидан эркак билан тенглаштирганида унинг аёллик нафосатини, иффатини, нозиклигини хисобга олган холда, эркак панохида асралишга мухтож ва муносиб, ардокли ва севимли бир хилкат сифатида англади. Аёлнинг нозик елкасига номуносиб муаммолар масъулиятини юклашдек, советлар замонида хос тўпори тенглаштиришни исломдаги инсоний шараф нуктаи назаридан тенглаштириш билан киёслаб бўлмайди.

Ислом вокеий диндир. Исломда дунё мохияти ниhoятда теран акс этгани, Куръон инсонларга уларнинг дунёвий хаётларини олий низомда олиб боришлари учун энг мукамал дасгуруламал экани унинг аёллар муаммосига оид оятлари — хукmlарида ҳам ифодасини топган. Хаётда содир бўлиши мумкин бўлган турли фавкулудда, табиий ё зарурий холатларни олий илохий низом асосида халоллик ва поклик йўли билан, адолат мезони билан хал килиш максатида тўрттагача хотин олишга рухсат берилган. Эътибор беринг: асло шарт килиб кўйилмаган, аксинча, кайтарилган. Куръоний хукмда холис хикматлар, улкан хаётий хакикатлар мавжуд.

Албатта, Пушкин ёзган иктибос Куръоннинг илмий тафсири ёки таржимаси эмас, балки шеърий асардир. Унда шоирона тасвир, ўхшатиш, сифатлашлар билан ишлатилиши табиий. Шеърда шоирона образ бўлмаслиги мумкин эмас. Куръонда «Эй пайгамбар аёллари», деб келган иборани шеърда «Эй пайгамбарнинг пок аёллари» деб берилиши Куръондан узоклашиш эмас, аксинча, Куръон мохиятидан келиб чиккан хакикатни, Куръоний рухиятни теран англашдир. Пайгамбар аёлларининг олий фазилатларга эгалиги шубхасиз, лекин уларнинг энг мумтоз фазилатлари поклик экани Куръон ва хадислардан яхши маълум.

«Ахзоб» сураси 30—32-оятларда Пайгамбар аёлларига бундай мурожаат килинади:
«30. Эй пайгамбар аёллари! Сизлардан ким аник фахш ишини килар экан, унинг учун азоб икки баробар зиёда килинур! Бу (каби жазоларни бериш) Аллохга осондир.
31. Сизлардан ким Аллох ва Унинг пайгамбарига итоат этса ва эзгу амал килса, Биз

унинг мукофотини икки хисса килиб берурмиз ва унинг учун фаровон ризк (жаннат)ни тайёрлаб кўйгандирмиз.

32. Эй Пайгамбар аёллари! Агар такводор бўлсангиз, (ўзга) аёлларнинг бирортаси каби эмассиз».

Пушкин ҳам шеърларини худди шуидай хитоб билан бошлайди ва юкоридаги оятлар мазмунини жам килиб:

О жены чистые пророка,
От всех вы жен отличены (Т. И. с. 188)

«Эй Расулнинг пок аёллари,
Устуворсиз жами аёлдан», деб ёзади.

«Ахзоб» сурасининг 6-оятида:

«6. Пайгамбар мўминларга ўзларидан ҳам хаклироқдир, унинг хотинлари эса уларнинг оналаридир», дейилган.

Расулulloх (с.а.в.) ҳам одам фарзанди, жами инсонларга хос хусусиятлар у зотга ҳам тегишли. Аммо Мухаммад (с.а.в.) Аллохнинг фазлу карами туфайли барча гунохлардан поклар. У зогда факат эзгулик ва хусни хулк ибрати бор. Пайгамбар (с.а.в.) хотинлари зиммасига ҳам худди шундай масъулият — муслима аёллар учун гўзал ўртак бўлишдек мукаддас вазифа юттилган. Бугун ислом ахли диккат-эътиборида бўлган аёллар гунох килишлари мумкин эмас. Хатго хаёлларидан бирор ножўя фикр ўтмаслиги лозим. Фиск хаёл мўминларнинг оналари учун кечириб бўлмас айб.

Пушкин пайгамбар аёлларини биби Марям ёпинган иффат либосига ўралган киёфада тасаввур килади ва уларнинг калби факат «халол огуш» Пайгамбар (с.а.в.) учун багишланиши, у кишига садокатли бўлиб, бирор осийнинг назарига чехраи муборакларини очмасликлари лозимлигини эслатади.

Мазкур шеърда Пушкин пайгамбар аёлларининг фазилати канчалик юксак бўлиши лозимлигини таъкидлаб туриб, иккинчи томондан бу аёлларга атрофдаги мусулмонлар ва сахобаларнинг муносабати кандай бўлиши лозимлигини ҳам тасвир этади:

Сизлар эса, эй сахобалар,
Мухаммадга бўларкан мехмон.
Зинхор уни гайри йўл томон,
Бошламоқдан килинг тавбалар.
У илохий вахийга шайдо,
Яшар экан бокмагай асло.
Мадхиялар, хиссиз сўзларга:
Шукр, дея эъзозлаб базмин
Пок дил билан килингиз таъзим
Уйидаги ёш канизларга.

Расулulloх (с.а.в.) хотинларини «ёш канизаклар» деб таърифлаш, албатта, Пушкиннинг

энг катта хатосидир. Пайгамбар (с.а.в.)нинг ахли байтлари жам бўлган оила Шарк султонларига хос гўзал канизаклар йигилган харам эмас; илохий хикмат ва хукмлар асосида кофирлар таъкибига учраган, эрлари ислом учун жиходда шахид бўлган муслималарни бир инсон никохида жам килган байтул мукаддас эканини шоир каердан билсин, бу хакикатлардан биз сўнгги давр мусулмонлари энди хабар топдик-ку!

Юкоридаги мисралар асосан «Ахзоб» сурасининг 53-оятига мансуб мазмунни ифода этади. Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят килган хадисга кўра, сахобалардан Аиас ибн Молик Расулulloх (с.а.в.) Зайнаб бинти Жахш онамизга уйланган кунлари волидалари бериб юборган хайс таомини Пайгамбар (с.а.в.)га келтирган эканлар. Шунда Расулulloх (с.а.в.) мана шу таом билан меҳмон килиш учун сахобаларни таклиф этганлар. Улар келиб таомдан тановул килиб, меҳмон бўлишган. Баъзи гурухлар Расулulloх (с.а.в.) уйларида узок ўтириб, гаплашиб колишган. Булар барчаси дунёвий беҳуда гаплар бўлган чамаси, Расулulloх (с.а.в.)га бу холат огир ботган. Мезбон бўлганлари учун орият килиб, хеч нарса дея олмаганлар. Факат, ташкарига чикиб, кайтиб кирганларида аёлларига салом берганлар. Бу нозик ишорадан сўнг сахобалар чикиб кетишган. Шу воқеа муносабати билан:

«53. Эй имон келтирганлар! Пайгамбарнинг уйларига факат сизларни бирор таомга чакирилсагина кирингиз! (Ўшанда ҳам) унга эришишга кўз тутиб турмангиз, балки чакирилганингизда кирингиз ва таомдан сўнг гапга берилиб кетмай, таркалингиз! Зеро, бу Пайгамбарга озор берур, у эса сизлардан ийманар. Аллох ҳақ (гап)дан тортинмас. Качон сизлар улардан (пайгамбар аёлларидан) бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўрангиз. Мана шу сизларнинг дилларингиз ва уларнинг дилларига нисбатан ҳам тозарок (иш)дир. Сизлар учун Аллохнинг пайгамбарига озор бериш ва ундан кейин аёлларига уйланишингиз асло мумкин эмасдир. Чулки бу Аллох наздида улкан (гунох)дир».

Пушкиннинг шеърлари учун асос бўлган Верёвкин таржимасида бу оят шундай ўгирилган:

«53. О правовърные, не входите въ домъ пророческъ безъ его позволения, развъ случайно безъ намърения; бывая приглашаемы отъ него, входите свободно, и насытившись трапезы его, возвращайтесь вт» дома ваши, не досажайте ему плодословиями единые со другими.

Егда бесъдуетесь женами его, да имуть покрывало на лицахъ их. Прилично бо есть сие ихъ цълумудрию, вашей скромности.

Не должны скучати пророку Божию, не должны знати его женъ инако же согръшите тяжко».

Верёвкин гаржимаси билан Пушкиннинг «II иктибос»ини киёслар эканмиз, шоир Куръон матнининг мазмунини тўлик сакдагани, «Ахзоб» сурасига мансуб оятлар шеърый йўсинда кайта баён этилганлиги аник аён бўладн.

Куръон услубига хос мурожаат усули хам шеърда худди Куръондагидек шаклда намоён бўлган. Куръонда Аллох таоло пайгамбар аёлларига, сўнг сахобаларига мурожаат килади. Пушкин хам шеърида Расулulloх (с.а.в.) аёллари ва сахобаларига Аллох таоло хитоб килаётганини тасвирлаб, оятнинг илохий вахий эканини тасдиқлаган холда баёи

этади.

Верёвкин таржимасида кўлланилган «порок», «покрывало», «целомудрие» каби сўзларни Пушкин шеър лексикасида жуда муваффақият билан кўллайди. Мазкур оятда зухур этмаган, лекин Пайгамбар (с.а.в.)нинг шамойиллари учун хос бўлган хусусиятларни ҳам шоир анча кенг тасаввур қилган ва теран хис этган ҳамда Аллох тилидан еахобаларга хитоб шаклида: Расулим беҳуда, дунёвий гап-сўзларни ёқгирмайди; унинг дилига илохий вахийларгина маъкул; сиз уни лагв гаплар билан машгул қилманг, деб буюради.

Пушкин юкорида баён қилинган воқеа муносабатида тушган оят мазмунини тасвирлаш орқали пайгамбар аёлларига саҳобалар улугвор бир тавозеъ билан муносабатда бўлишлари лозимлигини таъкидлайди. Чунки бу аёллар бошқа ҳеч қайси аёлларга ўхшамайди. Уларнинг одоб-ахлоқи ҳам, такво ва иффати ҳам бошқа аёлларникидан устун. Шу мақомларига яраша улар барчадан устувор иффатли муомалага муносиб. Саҳобалар ва пайгамбар аёллари ўртасидаги муомала маданияти Пушкинга маъкул бўлганидан шоир уларни бу тоҳира аёлларга «пок дил билан таъзим қилишга» чакиради.

Пайгамбар аёлларига бағишланган «II иктибос» дагина эмас, Пушкиннинг бутун ижодида Шарк аёлларини поклик тимсоли сифатида улуглаш гоёси уступ туради. Шоир «Кавказ асири» поэмасида мусулмон аёлларининг ҳаёли хатти-харакатларини ниҳоятда нафис манзаралар сифатида тасвир этган бўлса, шу поэманинг асосий қахрамони черкас кизи (Пушкин бу поэмани дастлаб шу қахрамон шарафига «Черкас кизи» деб атаган) сиймоси орқали ифодаланган Шарк аёлини муҳаббат билан тараннум этиб, уни олижаноб фазилагарга бой, ниҳоятда пок, муҳаббатда ўта фидойи, маҳбубини озод қилиб, жавобсиз севги хижронидан ўлимни афзал билган оташин хиссиёт ва мардона руҳият соҳибаси сифатида тасвирлайди.

«Лаззатбахш фавворалар шабадасида» шеърида эса, Шарк аёлларига таъриф бериб: «Они гуриям равны» - «Улар хурларга тенгдир», деб поклик Шарк аёллари табиатидаги энг олий фазилат эканини таъкидлайди.

Шарк аёлларини поклик тимсоли сифатида улуглаш фақатгина Пушкинга эмас, умуман Оврупа адабиётига хос хусусият. Инглиз адабиётида Томас Мур, Байрон ижоди, Францияда Монтескйе, Волтер асарлари, Германияда Гёрдер, Гегел фалсафаси ва Гёте шеърияти Шарк аёллари маънавиятини улугловчи фикрларга бой. Гёте «Гарбу Шарк девони» да Шарк аёлларини шубҳасиз, жаннати аёллар. деб башорат қилган.

Пушкин Куръондаги Пайгамбар аёлларига қаратилган оятлар мазмуни асосида уларни қомил покликка чақирса, Гёте пайгамбар (с.а.в.)нинг аҳли байтларига мансуб аёллардан Ҳазрати Ҳадича, қизлари Фотима (р.а.)ни Биби Марямга, Куръонда васф этилган Зулайхога тенг мақомда кўради.

Гёте Зулайхо, Биби Марям, Ҳазрати Ҳадича ва Ҳазрати Фотималарни дунё аёлларининг энг афзаллари, шак-шубҳасиз «жаннат соҳибаларидир», деб ёзган.

Гётенинг Биби Марям ва Хадичаи Кубро хакидаги фикрлари Расулulloх (с.а.в.)нинг Хазрати Алидан ривоят килинган хадисларига кўра, еру кўкка ишорат килиб: «Буларнинг хотинларининг энг яхшилари Марям бинти Имрон ва Хадича бинти Хувайлид», деб берган таърифлари мазмунига жуда якин туради.

Расулulloх (с.а.в.)нинг кизлари хакида: «Фотима муслималарнинг саййидасидир», деган таърифларини Гёте: «Фотимага фаринггалар рухи берилиб, жисми асал билан корилган», деб шаркона шоирона тафаккурга хос услубда тасвирлайди. Хадичаи Кубро, Фотима (р.а.) киёфалари хакида Куръонда баён этилмаган маълумотлар асосида фикр юритиш Гётенинг Куръондангина эмас, Пайгамбар (с.а.в.) хадисларидан, шоирга яхши таниш бўлган Элспернинг «Мухаммаднинг хаёти» асаридан манба сифатида фойдаланган бўлса керак, деган фикрга олиб келади.

Мўмина аёлларга бу синов дунё,
Ёмонликни раво кўрмагай албат.
Машхур тўрт нафар хойрун-нисо,
Шаксиз улар сохиби жаннат.
Бири сиддикалар офтоби Зулайхо,
Юсуф кошида ишкка айланган вужуд,
Хусн мулкин тахтида икки подишо,
Уларга хатто кофир айламиш сужуд.
Бири эса мукаддас биби Марям,
Дунё Халоскорин мушфик онаси.
Марямчалик шафикани кўрмаган олам,
Дарёдир хоч олдида тўккан жоласи.
Завжаи Мухаммад хам дохили жаннат,
Чун Мустафога хабиблик энг олий сифат.
Хадича-ла ахир Расул топмиш саодат,
Шону шухратни хам, Хакни хам албат.
Саййида Фотима эрур робиъун нисо,
Расулга киз, Алига ёрки, Яратган.
Малак поклигини килиб дилига жо
Вужудини кормиш асалдан.

(Таржима ўзимизники - Д.К.)

Гётенинг «Гарбу Шарк девони»га мансуб бу шеър унинг Шарк аёли маънавиятини олий фазилатлар мужассаи сифатида тараннум килганини кўрсатади. Оврупа адабиётининг турли вакиллари турли даврларда кўнгиллар шайдоси бўлмиш аёлларнинг ниҳоятда гузал сиймоларини яратганлар. Лекин у гўзалларнинг бирортасига «жаннати»лик унвони насиб этмаган. Гёте эса юкоридаги шеърида васф этилган аёлларни бу олий унвонга муносиб зотлар, деб талкии килди.

Пушкин хам Расулulloх (с.а.в.)нинг завжаи мутоххараларини «пайгамбарнинг пок аёллари» деб таърифлаб, уларни Гёте башорат килган макомга муносиб деб билгани учун «Сизгадир мерос Биби Марям ёпинган либос» деб тасвирлади.

Дилбар Камбарова